



2020 yil «09» июнь

66 – Ф - sonli

Samarqand sh.

Вилоят ҳокимлигида шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш борасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 51-моддасига мувофиқ,

1. Вилоят ҳокимлигида давлат харидини танлов ўтказиш орқали амалга ошириш бўйича харид комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Харид комиссияси (Қ.Хушбаков):

ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилишини;

комиссия фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва холислик принципига амал қилинишини ҳамда давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик чоралари кўрилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, харид комиссияси ҳар чоракда харидлар ҳақиқий талаб ва эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўтказилганлиги, харидлар товарни (ишни, хизматни) танлашнинг, унинг истеъмол хусусиятларининг (тавсифининг), сифат кўрсаткичлари ва қийматининг асосланганлиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилганлиги каби ҳолатлар тўғрисида ҳисоботни вилоят ҳокимига тақдим этади.

4. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов



Вилоят ҳокимининг  
2020 йил 09 июндаги  
667 -сон фармойишига  
илова

**Вилоят ҳокимлигида давлат харидини танлов ўтказиш  
орқали амалга ошириш бўйича харид комиссияси  
ТАРКИБИ**

- |               |   |   |
|---------------|---|---|
| Қ.Хушбаков    | - | Вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари котибияти мудир, <i>комиссия раиси</i>                  |
| А.Қодиров     | - | Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи бош мутахассиси  |
| Д.Бозоров     | - | Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ўринбосари котибияти бош мутахассиси |
| Б.Муродуллаев | - | Вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят идоралараро комиссияси масъул котиби  |
| М. Ғафурова   | - | Вилоят ҳокимлиги хўжалик ишлари мудир, комиссия котиби  |

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда, лавозимга янги тайинланганлар комиссия аъзоси ҳисобланади.

Ижрочи: Б.Қаршиев

Юридик хизмат бош юрисконсулти